

## БОЖХОНА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ВА УЙГУНЛАШТИРИШ ТҮФРИСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯГА МУВОФИҚ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА БОЖХОНА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги  
Божхона қўмитасининг Стратегик режалаштириш ва божхона тартиб –  
таомилларини соддалаштириш бошқармаси бошлиғи

**Ф. Олимжонов**

**Аннотация:** Ушбу мақолада божхона тартиб-таомилларини Киото конвенциясига мувофиқ ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда оптималлаштириш ва соддалаштириш масалалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан ушбу йўналишда эришилган ютуқлар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Киото конвенцияси, рақамлаштириш, автоматлаштириш, ахборот тизими, Масофавий божхона назорати, Масофавий электрон декларациялаш пости.

**Аннотация:** В данной статье освещены вопросы оптимизации и упрощения таможенных процедур с использованием информационных технологий в соответствии с Киотской конвенцией, а также достижения таможенных органов Республики Узбекистан в этом направлении.

**Ключевые слова:** Киотская конвенция, цифровизация, автоматизация, информационная система, удаленный таможенный контроль, удаленный электронный пост декларирования.

### КИРИШ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда божхона органлари фаолиятини жаҳон стандартларига мувофиқлаштиришга қаратилган саъй ҳаракатлари натижасида божхона соҳасида улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Жумладан, 2020 йили Ўзбекистон Республикасининг Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш түфрисидаги халқаро конвенцияга (кейинги ўринларда – Киото конвенцияси) қўшилиши, мана шундай мухим воқеалардан бири ҳисобланади.

Киото конвенцияси бир томондан божхона расмийлаштируви ва божхона назорати тартиб-таомилларини соддалаштириш ва тезлаштириш йўли орқали ташқи савдо фаолиятини рағбатлантиришни назарда тутса, бошқа томондан, бу каби тезлаштириш ва соддалаштиришлар божхона маъмуриятчилиги олдида турган давлат бюджетини тўлдириш, ички бозорни ҳимоя қилиш ва давлатнинг бошқа манфаатларига зарар етказмаслигига қаратилган вазифаларини самарали ҳал қилишга қаратилган.

Шу билан бирга Киото конвенцияси турли мамлакатларнинг божхона қонунчилигини ўзаро бирхиллаштиришга асос бўла олади. Зоро, ушбу Конвенцияни қабул қилган барча давлатлар, миллий божхона қонунчилигини ушбу конвенцияга мувофиқлаштириш вазифасини ўз зиммаларига оладилар.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Киото конвенциясига кўра, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва божхона назорати ҳамда расмийлаштируви жараёнларини тезлаштиришда уни электрон шаклга ўтказиш, уларни рақамлаштириш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш (кейинги ўринларда АТ), айниқса, ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи энг муҳим тавсияларидан бири ҳисобланади.

Киото конвенциясининг бир қатор стандартларида божхона органлари фаолиятида ахборот технологиялари ва электрон воситалардан фойдаланиш талаби қайд этиб ўтилган:

- 3.18 (илова ҳужжатлари);
- 3.21 (декларация);
- 6.9 (божхона назорати);
- 7 боб. Ахборот технологияларини қўллаш.

Шунингдек, Киото конвенциясининг 7.4 стандартига кўра, божхона органлари электрон аутентификация усусларидан фойдаланишни ўз ичига олган қулай меъёрий-ҳуқуқий базани яратиши шарт (масалан, рақамли имзолар).

Киото конвенциясида АКТдан фойдаланиш бўйича белгиланган услубий тавсияларда божхона тартиб-таомилларини автоматлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Масалан, декларацияларни қайта ишлаш, товарларни чиқариш, электрон тўловлар, транзит, ташқи савдо статистикаси, ушбу соҳалардаги тизимларни ишлаб чиқиш жараёнлари ва бошқалар.

Қайд этиш жоизки, миллий божхонани рақамлаштирилишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги №ПФ-6005 Фармони асос бўлиб, ундаги асосий масалаларидан:

- “қоғозсиз ва электрон божхона”нинг мантиқий давоми ва ривожланиши бўлган “рақамли божхона”ни шакллантириш;
- божхона иши соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш ҳисобланади.

Кейинги йиллар давомида ушбу рақамлаштириш ҳамда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка, қолаверса божхона органлари фаолиятига имплементация қилиш жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилдаги “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва Давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6310-

сонли ҳамда 2022 йилдаги “Божхона маъмуритчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-122-сонли Фармонларида ўз аксини топган.

Юқорида айтиб ўтилган Президентимизнинг Фармонлари ҳамда бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мувофиқ ҳозирги кунда ахборот технологиялари божхона органларининг деярли барча соҳавий йўналишларига чуқур кириб бормоқда. Хусусан:

Божхона назорати.

Йўловчилар, транспорт воситалари ҳамда товар моддий бойликларининг божхона назоратини самарали амалга ошириш мақсадида:

■ божхона постлари 770 та назорат техник воситалари (планшет, Face ID камера, мобил радиацион портал монитор, инспекцион кўрик мажмуаси) билан таъминланди;

■ янги автоматлашган ахборот тизимлари (масалан, “Е-транзит”, “Юк операциялари”, “Божхона тўловлари бўйича дастлабки қарор”, “Божхона кўриги” кабилар) амалиётга жорий этилди;

■ “Е-транзит”, “Авиа API/PNR” ва “Божхона кўриги” каби ахборот тизимларининг эса мобил иловалари ҳам ишга туширилди;

■ божхона қўмитасининг расмий веб-сайти ҳамда “Ягона дарча” хизматлар портали орқали юридик ва жисмоний шахсларга электрон хизматларни (масалан, йўловчи, юк ва почта декаларацияларини электрон тақдим этиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган автотранспорт воситаси ва юки ҳақида олдиндан маълумот тақдим этиш, электрон мурожаатлар ҳамда аризалар тақдим этиш) амалга оширилиши йўлга қўйилди;

■ олдиндан навбат олиш имконини берувчи янги “Е-Навбат” ҳамда ҳужжатларни бир маротаба тизимга киритиб доимий сақлаш имконини берувчи янги “Е-Архив” интерактив хизматлари йўлга қўйилди.

Ушбу қулайликлар ҳамда яратилган шароитлар эвазига қуйидаги натижаларга эришилди:

■ чегара орқали ҳаракатланган юк автотранспорт воситалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 % га ёки 58 000 тага ошган бўлсада, уларнинг ўртача ўтиш вақти 2 баробарга қисқариб, 65 дақиқадан 35 дақиқани ташкил этди;

■ жорий этилган барча йиғимларни транспортлар чегарага киргунга қадар тўлаш амалиёти туфайли, бугунги кунга қадар 4.3 млрд сўм ундирилди;

■ темир йўлда ташилаётган юклар ҳақида олдиндан ахборот олиш имконияти сабабли, 228 000 та ҳужжатларга оид маълумотлар олинди;

■ яратилган мобил иловалар орқали 15 000 нафардан ортиқ тадбиркорлар томонидан 666 000 та декларациялар тақдим этилди;

■111 нафар тадбиркорларнинг товарларига нисбатан божхона қиймати ва ТИФ ТН кодини аниқлаш бўйича дастлабки қарорлар расмийлаштирилиб, ушбу йўналишдаги мурожаатлар кўриб чиқилиш вақти

2 баробарга ёки 6 кундан 3 кунга қисқарди;

■2 336 нафар тадбиркорларнинг 10 707 та транспорт воситаси электрон навбатга қўйилди;

■Чегара ўтказиш пунктлари орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб ўтаётган автотранспорт воситаларининг навбатда туриши минималлаштирилди;

■1 087 нафар тадбиркорларнинг 673 000 га яқин ҳужжатларини ягона форматда ва фақатгина бир маротаба тизимга киритиш ҳамда доимий сақлаш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, йўловчиларга нисбатан божхона назоратининг содда ҳамда тезлаштирилган шаклини қўллашни назарда тутувчи Тошкент, Самарқанд шаҳар ва бошқа вилоятлардаги халқаро аэрпортларда янги назорат тизими жорий қилинди.

Жумладан, халқаро аэрпортлардаги чегара божхона постларида йўловчиларнинг божхона назоратини API/PNR маълумотларидан фойдаланган ҳолда хавфни бошқариш тизими ҳамда замонавий АКТ ёрдамида чуқур таҳлиллар асосида ҳаракатланаётган йўловчиларни тоифаларга ажратиш асосида амалга оширишни кўзда тутувчи “Масофавий божхона назорати” тизими ишга туширилди.

Бунда, йўловчилар республика ҳудудидан учиб кетишларида божхона хизматига бевосита дуч келмасдан, ҳатто божхонани борлигини сезмасдан ҳаракатланишади.

Юқоридаги каби қуляйликлар ҳамда божхона назоратининг замонавий шакллари Президент Фармонлари ва божхона органларининг ташаббуси билан янада ривожланишда давом этмоқда.

Божхона расмийлаштируви йўналишида деярли барча жараёнлар аллақачон электрон шаклга ўтказилган бўлиб, барча ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари декларацияларни электрон тарзда тақдим этадилар, божхона органларида мавжуд автоматлаштирилган ахборот тизимлари эса декларацияларни мантиқий назоратдан ўтказган ҳолда рўйхатга олади

ва божхона расмийлаштирувани амалга оширувчи ходимларга инсон омилисиз шаффофф равишда тақсимлаб беради.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда мавжуд “Авторасмийлаштирув” тизими орқали расмийлаштирув жараёнлари ҳам инсон омилисиз, шаффофф равишда амалга оширилмоқда. Яъни электрон декларация келиб тушганидан, товарлар эркин муомалага чиқарилгунига қадар, божхона органлари ходими умуман аралашмайди, божхона расмийлаштируви эса тизим томонидан автоматлашган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу соҳани рақамлаштириш натижасида қўйидагиларга эришилди:

■юк автотранспортига оид маълумотни текшириш ва уни рўйхатга олиш импорт божхона режимида 15 дақиқани, экспорт божхона режимида

10 дақиқани ташкил этади;

■божхона расмийлаштируви вақти 4,5 мартага, божхона кўриклари сони З баробарга қисқарди;

■импорт божхона режимида 81 % товарлар, экспорт божхона режимида 87 % товарлар соддалаштирилган расмийлаштирув жараёнларидан ўтмоқда;

■юк декларацияларини инсон омилисиз автоматик расмийлаштириш импорт божхона режимида 27%ни, экспорт божхона режимида 82%ни ташкил қилмоқда.

Шунингдек, ҳудудларда тадбиркорлар билан тўғридан тўғри мулоқотсиз, инсон омилини қисқартириш орқали фаолият юритувчи – Масофавий электрон декларациялаш постлари ташкил этилди. Бунинг натижасида эса:

■8 000 нафарга яқин тадбиркорлик субъектларининг 6,6 млрд. доллар қийматидаги экспорт ва импорт товарларига оид 126 000 та божхона юк декларациялари уларнинг юридик манзили бошқа ҳудудда бўлган божхона постлари томонидан масофавий тарзда расмийлаштирувдан ўтказилди;

■бундай декларациялар сони 15 % га ёки 16 000 тага ошиб, тадбиркорлар билан божхона постлари ходимлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа камайтирилмоқда.

Бошқа йўналишлар.

Халқаро ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон 35 та хорижий божхона хизматлари билан асосан экспорт ва транзит товарлари ҳақида, хавфни бошқариш тизими таҳлиллари, божхона ва бошқа назорат натижалари бўйича ахборот алмашинувини йўлга қўйган.

Бу эса ўз ўрнида юк ва транспорт воситалари чегарани кесиб ўтишидан аввал ишончли маълумотларни олиш, рўйхатдан ўтиш вақтини қисқартириш, божхона самарадорлигини ошириш, автоматлашган қарорлар қабул қилиш ва энг асосийси такрорланувчи назорат шаклларини олдини олиш имконини берди.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида божхона органларида янги жорий этилган “Божхона ходими” ахборот тизими ва “Шаффоф қабул” интерактив хизмати ёрдамида:

■4 127 нафар ходимларга оид маълумотлар рақамлаштирилиб, таҳлил қилиш ишлари ва ротация жараёнлари мониторинги соддалаштирилди;

■божхона органларига кириш истагини билдирган номзодларга ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини электрон шахсий кабинет орқали кузатиб бориш имконияти яратилди.

Божхона органлари ходимлари фаолиятида ҳужжатлар айланувини тўлиқ электронлаштириш имконини берувчи “Е-ҳужжат” ахборот тизими ҳамда маъмурӣ ва жиноий ишлар бўйича электрон тарзда қонуний қарор қабул қилиш имконини берувчи “Е-қарор” ахборот тизими ишлаб чиқилди:

■ҳужжатлар айлануви тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, 7 тонна қоғоз сарфини олди олинди;

■қарор қабул қилиш вақти ўртача 20 кундан 5 дақиқагача қисқариб, электрон тарзда қабул қилинган қарорлар асосида 6,3 млрд сўмлик жарима қўлланилди.

Божхона органлари марказий аппарати таркибида ҳам “Рақамли божхона мажмуси” ташкил этилган бўлиб, мазкур марказ божхона органларида мавжуд инфратузилма обьектларини алоқа қурилмалари тармоғини доимий назоратини қилиш, киберхужумларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, ахборот тизимларини захиралаш, ИБМ маълумотлар базаларини назоратини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган.

Бу ерда божхона ходимлари турли маълумотларни марказлашган ҳолда йиғиш, умумлаштириш, қайта ишлаш, потенциал кибер ҳужумларга

ва таҳдидларга қарши курашиш, шунингдек, олдиндан превентив чораларни ўз вақтида қабул қилиш ишларини амалга оширишади.

ХУЛОСА ўрнида шуни айтиш мумкинки Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва миллий божхона тизими фаолиятини халқаро стандартлар, хусусан, Киото конвенциясига мослаштириш йўналишидаги олиб борилаётган ислоҳотлар юқорида айтиб ўтилган ахборот технологияларини божхона органлари фаолиятида фаол қўллаш, янги ишлаб чиқилаётган ахборот тизимлари, электрон ва интерактив хизматлар мисолида ўз аксини топмоқда.

Келгусида Ўзбекистон Республикаси божхона тизими амалиётдаги ахборот коммуникацион технологиялари билан тўхтаб қолмаган ҳолда, уларни янада кенгайтириш ҳамда такомиллаштиришни ва миллий божхона тизимимизни жаҳон стагдартларига мослаштиришни мақсад қилган асосий йўналишлар:

■«Авторасмийлаштирув» ААТнинг имкониятлари ҳамда янада кўпроқ божхона режимларида инсон омилисиз автоматлашган равишда расмийлаштирувни амалга ошириш масалалари ва бу билан божхона расмийлаштируви жараёнларини янада жадаллаштириш ҳамда расмийлаштирилаётган декларациялар сонининг ортиши, ташқи савдони қўллаб-қувватлаш;

■Масофавий божхона постларини эса босқичма-босқич Республика ҳудудида ягона бўлган умумий марказ остида бирлаштириш ва бу билан тизимда шаффофликни ошириш ҳамда коррупцион муҳитни олдини олиш;

■Келгусида халқаро ахборот алмашинувини кенгайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш каби асосий йўналишларни белгилаш мумкин.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Практическое руководство по упрощению процедур торговли. Автоматизация таможенных процедур.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-июндаги “Божхона маъмуритчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” №ПФ-6005 фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 10-сентябрдаги “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва Давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида” №ПФ-6310 фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 27-апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” №ПФ-122 фармони.